

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Микрокредитбанк”
акциядорлик-тижорат банки
Акциядорларининг навбатдаги
йиллик умумий йиғилишининг
2022 йил “27” июндаги
4-сонли баённомаси билан

Йиғилиш раиси



Ф. Нурғалиев

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг
“Бошқаруви тўғрисида”ги
Низоми
(янги таҳрирда)**

“МАЪҚУЛЛАНГАН”

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки
Кузатув кенгаши мажлисининг
2022 йил “16” июн даги 39-сонли баённомаси билан

Кузатув кенгаши раиси



О. Исаков

Бошқарувининг
2022 йил “16” июн даги 50-1сонли қарори билан

Бошқарув раиси



О. Бутаев

Тошкент – 2022 йил

1-боб. Умумий қоидалар

1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг “Бошқаруви тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда – Низом) “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг (кейинги ўринларда – Банк) Ижро этувчи органининг – Бошқарувининг мақомини белгилайди ва унинг ишини, аъзоларини тайинлаш тартибини, шунингдек ҳар бир аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади. Ижро этувчи орган деганда якка бошчилик қиладиган ижро этувчи орган (раис), коллегиял ижро этувчи орган (Бошқарув) тушунилади.

Банкнинг жорий фаолиятини бошқариш Банк Устави ва ушбу Низом билан белгиланадиган Ижро этувчи орган – Бошқарув томонидан амалга оширилади.

Банк Бошқарувининг ваколатлари ижро этиш учун учинчи шахсларга ўтказилиши мумкин эмас, бундан ушбу қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 356-сон “Давлат активларини бошқариш тизимини яънада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2021 йил 29 мартдаги 166-сон “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари, “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги (рўйхат рақами 3254, 2020 йил 30 июнь) ва “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги (рўйхат рақами 916, 2000 йил 5 апрель) Низомлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек Банк Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2-боб. Банкнинг Ижроия органи – Бошқарувини тузиш ва унинг ваколатларини тугатиш тартиби

3. Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик ижро этувчи орган (ижроия орган) – Банк Бошқаруви томонидан амалга оширилади. Бошқарув фаолиятига Банк Бошқарув раиси раҳбарлик қилади.

Банк Бошқарувининг ваколатлари ижро этиш учун учинчи шахсларга ўтказилиши мумкин эмас, бундан Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

4. Банк Бошқаруви 7 (етти) нафар аъзодан иборат бўлиб, унинг таркибига:

Бошқарув раиси;

Бошқарув раиси ўринбосарлари;

Бош бухгалтер;

Банкнинг фаолиятининг муҳим йўналишларини таъминловчи бошқа мутахассислар кириши мумкин.

5. Банк Бошқарувининг сон таркиби Бошқарув аппаратини имкони борича қисқартириш, Банкни бошқаришда бир-бирини такрорловчи бўғинларнинг тугатилиши ва у билан боғлиқ бошқарув ҳужжатларининг қисқариши принципларидан келиб чиқиб белгиланади.

6. Банк Бошқаруви Банкнинг коллегиял ижро этувчи органи ҳисобланиб, Банкнинг жорий фаолиятини бошқаради.

Банк Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банк Устави, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига асосан ҳамда Банкнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган фаолият стратегияси ва уни бошқариш тизимига мувофиқ Банкнинг фаолиятига оператив бошқарувни амалга оширади ҳамда Банкнинг фаолияти учун жавобгарликни тўлиқ зиммасига олади.

7. Банк Бошқарув раиси ва аъзолари Банк Кузатув кенгаши (агар акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига ёки Банк Уставида кўра бундай ваколат берилган бўлса) ёки Акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан сайланадилар (тайинланадилар) ва ваколатлари муддатидан илгари тугатилади. Бунда:

Банк Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишили ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишган ҳолда амалга оширилади;

Банк Бошқарув раиси ва аъзолари лавозимларига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олинади.

8. Банк Бошқарув раиси ва аъзолари Банк Кузатув кенгаши томонидан Кузатув кенгаши мажлисида иштирок этаётган аъзоларнинг ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик овози билан 3 (уч) йил муддатга сайланадилар (тайинланадилар) ва уларнинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилади, шу жумладан улар билан тузилган шартнома бекор қилинади ёки муддатидан илгари бекор қилинади.

Бунда, Бошқарув раиси сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Бошқарув раиси бўлиши мумкин эмас.

Акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи Банк Бошқарув аъзоси Банк Бошқарув аъзоларини сайлаш масаласида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

9. Банк Бошқарув раиси ва Бошқарув раиси ўринбосарларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши қарори билан тайинланади.

10. Бошқарув аъзолари лавозимларига танлов ўтказиш тартиби, номзодларга қўйиладиган талаблар Банк Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

11. Банк Бошқаруви аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Банк Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади. Бошқарув аъзолигига номзод Банкка ўзи жинойий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисидаги фактларни маълум қилиши шарт.

Банк акциялари Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 22-моддаси биринчи ва тўртинчи қисмларида белгиланган талаблар бузилган ҳолда олинган тақдирда, акцияларнинг эгаси бундай битим тузилган кундан эътиборан Банк Бошқаруви аъзолигига номзодлар кўрсатишга ҳақли эмас.

12. Бошқарув таркибига у ёки бу номзодни тавсия этар экан Банк Кузатув кенгаши раиси шартнома тузиш шартлари, Бошқарув фаолияти учун мукофотлаш миқдори ва номзоднинг шахсий аризаси билан тасдиқланган шартнома тузишга номзоднинг розилиги тўғрисида ахборот беради.

13. Банк Бошқаруви аъзолигига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқиляётганда Банк Кузатув кенгаши мажлисида қатнашишлари мумкин.

14. Бошқарув таркибига таклиф қилинган номзодлар сайлангандан (тайинлангандан) кейин, улар билан лавозим бўйича мажбуриятларни бажариш юзасидан 3 (уч) йил муддатга шартнома тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши мумкин.

Бошқарув аъзолари билан тузиладиган шартномада унинг Банк фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Банкнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Банк Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

15. Банк Бошқаруви раиси билан тузиладиган шартномани Банк номидан Банк Кузатув кенгаши раиси имзолайди. Бошқарув аъзолари билан тузиладиган шартномаларни Банк номидан Банк Кузатув кенгаши раиси ёки Банк Кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди.

16. Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Банк фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини бажарилиши билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланади. Бунда, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона рағбатлантириш сиёсати асосида ойлик иш ҳақи ва йил якунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловлари миқдори Кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Кузатув кенгаши томонидан белгиланган тўловлар миқдоридан ташқари ҳар қандай қўшимча тўлов турлари таъқиқланади.

17. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Бошқарув раиси томонидан у билан тузилган шартнома шартлари бузилган тақдирда, меҳнат шартномасини муддатидан илгари тугатиш ҳуқуқига эга.

18. Банк Кузатув кенгаши Банкнинг Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда бекор қилишга ҳақлидир.

19. Банк Кузатув кенгаши Банкнинг Бошқаруви аъзолари билан тузилган шартномани, агар шартнома тузишда улар Банк Уставини қўпол тарзда

бузишга йўл қўйган бўлса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Банкга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

20. Бошқарув раиси томонидан Банкнинг йиллик бизнес-режаси параметрлари бажарилиши ва (ёки) Банк Устави қўпол равишда бузилса ва унинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида Банкка жиддий зарар етказилган тақдирда Банк Кузатув кенгаши у билан тузилган шартномани муддатидан илгари тугатиш ҳуқуқига эга.

21. Банк томонидан солиқлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига бошқа тўловлар, давлат мақсадли фондлари, иш ҳақи ва дивидендлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик ҳосил бўлганда, шунингдек, кетма-кет икки чорак мобайнида бизнес-режанинг асосий параметрлари бажарилмаган тақдирда, Бошқарув раиси билан меҳнат муносабатларини давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масала Банк Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

22. Кузатув кенгаши қарори билан Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, ушбу Кузатув кенгаши қарори билан Бошқарув раиси ёки унинг вазифаларини вақтинча бажарувчи тайинланади.

23. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари билан шартномани бекор қилиш ҳақидаги қарор Банк Кузатув кенгаши томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

24. Банк Бошқарув раиси ва аъзоларини ойлик маоши ва уларни моддий рағбатлантириш миқдори Банк фаолияти самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

25. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Банк Бошқаруви органларида ўриндошлик асосида ишлашга ҳақли эмаслар.

26. Банк Бошқарув раиси Бошқарув таркибидаги бўш лавозим бўйича Банк Кузатув кенгашининг келгуси мажлисигача бўлган муддатда вақтинча вазифаларни бажариш учун бирорта мутахассисни қўйиш ҳуқуқига эга.

27. Банк Бошқаруви аъзолари бенеуқсон ишчанлик обрўсига, банк таваккалчиликларининг самарали бошқарилишини, ўз ваколатлари доирасида асосли қарорлар қабул қилинишини таъминлаш учун зарур бўлган тажрибага, билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

28. Банк Бошқаруви аъзолари банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига доимо мувофиқ бўлишини таъминлаши шарт.

3-боб. Банк Бошқарувининг ваколат ва мажбуриятлари

29. Банк Бошқаруви ваколатига Банкнинг жорий фаолиятини бошқариш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилиш киради. Банк Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг ваколатига кирган масалалар бундан мустасно.

30. Бошқарув раиси ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалдаги қонунчилик, Банк Устави ва уларнинг ҳар бири билан тузиладиган шартномалар билан белгиланади.

31. Банк Бошқаруви Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

32. Банк Бошқарув раисининг ваколатлари ва мажбуриятларига қуйидагилар киради:

Ўзининг ваколатлари доирасида Банкнинг ишига раҳбарлик қилади;

Банк Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

Банк номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;

Банк мижозлари, шунингдек бошқа ташкилот ва корхоналар билан битимлар ва шартномалар (контрактлар) тузади;

Банк номидан ҳужжатларни имзолайди;

Ўз ваколатлари доирасида Банкнинг мол-мулки ва маблағларини тасарруф этади;

Банк шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлайди;

штатларни тасдиқлайди, Банк ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қила олади, ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;

Банкларда вакиллик ва бошқа ҳисобварақларни очади;

Банк фаолиятини ҳар томонлама ривожлантиради ҳамда Банк акциялари бўйича дивидендлар тўлаш учун зарур бўлган миқдорларда фойда олишни таъминлайди;

Банкни ривожлантириш дастурларини (бизнес-режа) ишлаб чиқишда раҳбарлик қилади;

Банк номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;

Банк номидан Банк филиаллари раҳбарлари ва унинг ўринбосарлари ҳамда бош бухгалтерлари, шунингдек банк хизматлари марказлари (офислари) раҳбарлари ва бухгалтерия ҳисобини юритишга масъул ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади;

Банкнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Ўз ваколати доирасида Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ Банкда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, тегишли расмийлаштирилганлиги ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;

Банкнинг молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Банк Кузатув кенгаши ёки Банк аудитори талабига кўра тақдим этади;

давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

Банк сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлайди, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса;

хизмат, тижорат ва банк сирини ташкил этувчи ахборотнинг Банк ходимлари томонидан сақланишини таъминлайди;

Банкни малакали кадрлар билан таъминлайди, Банк ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан оқилона фойдаланиш чораларини кўради;

Банк ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлайди;

Банк акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ва бошқа қонун ости ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатларига ҳамда Банк ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

33. Банк Бошқарувининг ваколатлари ва мажбуриятларига қуйидагилар киради:

Банкнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

Банк ва унинг ходимлари, шўъба корхоналари, ваколатхоналари, филиаллари, банк хизматлари марказлари (офислари) учун мажбурий бўлган қарорлар чиқаради;

Банкни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилади;

Банк Уставига мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Банк Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлган масалаларни олдиндан кўриб чиқади ҳамда улар бўйича тегишли материаллар, таклифлар ва қарорлар лойиҳаларини тайёрлайди;

ўз ваколоти доирасида мол-мулкни олади ёки уни бошқа шахсга беради ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузади (битим тузиш масаласида Банк Бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Банк Бошқаруви қарорига мувофиқ Кузатув кенгашига ҳал этиш учун киритилиши мумкин);

ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни Акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Банк Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этади;

ўз ваколатлари доирасида Банкнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳужжатларига ҳамда Банк ички ҳужжатларига риоя қилади;

Банк акциядорларининг амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ахборотларни олиши, Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиши, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича барча ҳуқуқларига риоя қилади;

Банкнинг стратегик мақсадларини, корпоратив бошқарув, кредит, инвестиция, эмиссия, ахборот, дивиденд, ликвидлик, ҳисоб, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш ва бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини амалга оширади;

Банкнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан ваколатларни ва жавобгарликни Банк ходимлари ўртасида ўз ваколатлари доирасида тақсимлашни таъминлайди;

Банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

Банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажариши, шунингдек Банк Акциядорларининг умумий йиғилишига ва Кузатув кенгашига бажарилган ишлар, Банкка нисбатан қўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғрисидаги ҳисоботни даврий равишда тақдим этади;

Банк томонидан депозит (омонат) сертификатлари чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва уларни муомалада бўлиш шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

“Банк акциядор (иштирокчи, таъсисчи) бўлган корхона ва ташкилотлар бошқарув органларида Банк вакилларининг овоз бериш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлайди;

Банкнинг обрў-эътибор хатарларини бошқаради;

Банк мулкани бегоналаштиришни, уни сотиш шакли ва механизмини, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан Кузатув кенгаши билан келишади;

Банк асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланишни фақат Кузатув кенгашининг тегишли қарори қабул қилинганда амалга оширади;

Банк Уставида ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига ва бошқа қонун ости ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатларига ҳамда Банк ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

34. Банк билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил

кўрсатган ҳолда ёзма билдириш беради ва ушбу битимни тузиш бўйича қарор қабул қилишда иштирок этмайди.

35. Бошқарув аъзолари Банк мол-мулкани тасарруф қилишда шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

36. Бошқарув аъзолари уларга хизмат мавқеи билан берилган ҳуқуқлардан ўзлари меҳнат муносабатларида бўлган бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланмасликлари керак.

4-боб. Банк Бошқарувининг жавобгарлиги

37. Банк Бошқаруви ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Банкнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим ҳамда белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

Агар ушбу банд қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Банк олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

38. Банк Бошқаруви аъзолари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги натижасида жамиятга етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва Банк Уставига мувофиқ Банкка етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмда Банк олдида жавоб берадилар.

39. Бошқарув аъзолари фаолияти банк хизматларини мижозларга тақдим этишда қийинчилик туғдирадиган корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бошқарув аъзоси лавозимга тайинланганида бундай корхоналардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўғрисида Банк Кузатув кенгашини хабардор қилиши лозим.

40. Банк Бошқарув раиси ва аъзолари Банк ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари натижасида Банкка етказилган зарар ва уни ўрнини тўлиқ қоплаш бўйича қонунчилик ва Банк Уставига мувофиқ жавобгардир.

41. Банкка зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Банк Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

42. Банк томонидан жойлаштирилган оддий акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эга булган акциядор (акциядорлар) Банкка етказилган зарарларни ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Бошқарув аъзолари устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

43. Банк Бошқаруви Банк Акциядорларининг умумий йиғилишига ва Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

44. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қоидабузарликлар учун Банк Бошқаруви аъзоларига банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган чоралар ва санкциялар қўлланилиши мумкин.

5-боб. Банк Бошқарувининг иш тартиби

45. Банк Бошқарувининг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта ўтказилади. Банк Бошқаруви томонидан Кузатув кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда Бошқарув мажлисида олдиндан муҳокама

этилади. Бошқарувнинг фикри ҳақида Кузатув кенгашида ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида Бошқарув раиси ёки у томонидан ваколат берилган Бошқарув аъзоси ахборот беради ва ҳимоя қилади.

46. Банк Бошқаруви унинг кун тартибига киритилган масалаларни, агар мажлисда Бошқарув аъзоларининг 5 (беш) нафардан кам бўлмаган аъзоси қатнашса, ҳал қилишга ҳақли (кворумга эга) бўлади.

47. Банк Бошқаруви мажлисида қарорлар мажлисда қатнашаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Банк Бошқарув раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

48. Банк Бошқарувининг мажлиси Бошқарув раиси томонидан ёхуд кўриб чиқиладиган масалага эгаллаган лавозими юзасидан бевосита алоқадор бўлган Бошқарув раиси ўринбосари томонидан олиб борилади.

49. Банк Бошқаруви котибияти Бошқарув мажлисларининг баённомаси юритилишини ташкил этади. Бошқарув мажлислари баённомаларидан кўчирмалар:

мажбурий тартибда Банк Кузатув кенгаши раисига;

бошқа мансабдор шахслар ва аудиторнинг талабига кўра фақат Бошқарув раисининг рухсати асосида;

амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларга ва органларга (шу жумладан давлат органларига) берилади.

6-боб. Якуний қоидалар

50. Ушбу Низом Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган кундан эътиборан кучга киради.

51. Ушбу Низомга Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

52. Ушбу Низом кучга кирган кундан бошлаб Банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2020 йил 27 мартдаги 1-сонли баённомаси билан тасдиқланган Банкнинг “Бошқаруви тўғрисида”ги Низом ҳамда унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотади.

53. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ўзгариши натижасида, ушбу Низомнинг айрим бандлари унга зид бўлиб ёки ҳақиқий бўлмай қолса, мазкур Низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар амалдаги қонунчилик талабларига риоя этилади.

54. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

